Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 11 412,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-сентябрь ойига нисбатан ўсиш суръати 3,8 фоизга тенг бўлди.

2017 йил январь-сентябрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 113,6 фоизни ташкил қилди.

Январь-сентябрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд.сўм		2016 йил январь-сентябрь ойига нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил	2017 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	**9 681,3**	**11 412,2**	**103,8**
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	9 091,9	10 666,6	103,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	589,4	745,5	104,7
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	9 091,9	10 666,6	103,8
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 489,2	1 758,1	101,5
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	2 914,9	3 381,6	102,7
саноат	2 279,3	2 641,1	102,3
қурилиш	635,6	740,5	104,0
Хизматлар	**4 687,8**	**5 526,9**	**105,2**
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	979,5	1 181,4	106,3
ташиш ва сақлаш,	1 147,2	1 298,2	106,0
ахборот ва алоқа хизматлари бошқа хизматлари	2 561,0	3 047,3	104,4

Январь-сентябрь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

2016 й.



2017 й.



Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири саноат (улуши 24,8 %), хизматлар (улуши 51,8 %) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (улуши 16,5 %) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 60,2 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-сентябрига нисбатан 1,2 фоизли бандга камайди.

2017 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 51,8 фоиз (2016 йил январь-сентябрда 51,5 фоиз)ни ташкил қилди.